
МАРҒИЛОНДА БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Марғилон шаҳрида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банк Фарғона филиали бўлими қошидаги Марғилон Банк хизматлари марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда сўзга чиққан 1-сектор раҳбари мазкур марказнинг очилиши шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшиш билан бирга, ҳудудда бизнес юритиш истагидаги ишбилармонлик вакиллари учун қулай шароит яратиши, миждозларга тез ва юқори сифатли хизмат кўрсатиш, қолаверса, банк кредитлари ҳисобига янги иш ўринлари яратилишига замин бўлажagini алоҳида таъкидлади.

2021-04-16 15:05:33